

«Вақф» хайрия жамоат фонди раиси тайинланди



15:53 / 18.01.2023 2969

Бугун, 18 январь кунИ Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фонди Васийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди, Тошкент шаҳридаги «Бўта бува» жомеъ масжиди имом-хатиби Зиёвуддин домла Мирсодиқов “Вақф” хайрия жамоат фонди раиси вазифасини бажарувчиси этиб тайинланди.

Маълумот ўрнида, Зиёвуддин домла Мирсодиқов кўп йиллардан буён диний соҳада фаолият олиб борган. У Тошкент вилоятидаги «Турсунмат қори», «Эски Тошкент», Андижон вилоятидаги «Жиддаи Муборак», Тошкент шаҳридаги «Юнусобод-Оқ тепа» каби жомеъ масжидларда имом-хатиб вазифаларида ишлаган. Шунингдек, «Саййид Муҳйиддин Маҳдум» ва «Кўкалдош» мадрасалари мудирИ вазифаларида меҳнат қилган.

Зиёвуддин домла Мирсодиқовнинг келгусидаги шарафли ва масъулиятли ишларига Аллоҳ таолодан муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати